

МУЛЬТИМЕДИА ВОСИТАЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ТАЪСИРИ ВА ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

Рахимова Феруза Нажмиддиновна

Кўкон Давлат педагогика институти, катта ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада Мультимедиа воситаларининг ижтимоий педагогик фаолиятга таъсир этувчи педагогик-психологик омиллари талабанинг ижтимоий фаоллаштириш жабхаларини намуна тариқасида изохланган.

Калит сўз: интеллектуал, ижтимоий фаоллаштириш, мотивацион ижтимоий-хатти ҳаракати, эмоционал, иродавий.

Талабалар ижтимоий педагогик фаолиятда ўзаро муносабатларни “такомиллаштириш” ва “рағбатлантириш” орқали таълимда мультимедиа воситалари асосида шахсни ижтимоий-маданий фаолиятида ижодкорлигини такомиллаштириш ҳамда таълимда интерфаол методларни қўллаган ҳолда дасларда ўйин-кулги ва ижодий таффакурни ривожлантириш асосида, таълимда бадий ижоднинг маънавий-маданий андозаларидан, анъанавий турлари ва жанрларидан фойдаланишни тақозо этади.

И.Шульганинг фикр-мулоҳазаларига кўра мультимедиа воситалари асосида талабанинг фаоллигини рағбатлантириш, мустақил ижодкорлигини турли технологиялар асосида, эркин ижодий тафаккурининг янги шакллари излашга рағбатни шакллантиришга қаратилганлиги билан фарқланади деб ифодалаган. Олим мультимедиа воситалари асосида амалий фаолиятни педагог ва тарбияланувчиларнинг ҳордиқ чиқариш соҳасидаги ўзаро фаолиятларининг ҳар хил турлари ва шакллари йиғиндисини тақозо этувчи кўп ўлчовли ва кўп режали фаолият сифатида белгилаб такидлаб ўтган.

Олим ўз қарашларида янги билимларни, меъёрлар, қадриятлар, йўналиш ва маъноларни ишлаб чиқариш, тўплаш сақлаш сифатида талқин этиладиган анимация фаолиятининг ижтимоий-педагогик вазифаларини; маънавий жараённинг изчиллигини унинг узлуксизлигини тaminлаш ва такрорлашни (қайта ишлашни); маданий таркибий тузилмаси сифатида амалга ошадиган муносабатларнинг ижтимоийлаштирилган тузилишини йулга қўйиш кераклигини такидлаб ўтган.

Биз юқорида номлари зикр этилган тадқиқотчиларнинг фикрига қўшиламиз ва мультимедиа воситалари фаолияти ижтимоий-маданий фаолиятнинг компоненти эканлигини, бу фаолият давомида мазкур фаолият иштирокчиларининг ҳордиққа бўлган эҳтиёжларини барқарор қондириш мақсадида уларни (иштирокчиларни) ташкил этиш амалга оширилади. Бизга маълумки, ижтимоий-маданий фаолият хилма-хил турлардан иборат бўлиб, сўзнинг кенг маъносида бу тушунча ёрдамида ижтимоий

муносабатлар жиҳати ҳар қандай кўринишда намоён бўладиган фаолиятнинг ҳар қандай соҳаларини қамраб олиши мумкин. Ижтимоий-маданий фаолият - таълим муҳитида амалга ошириладиган жараён бўлиб, унинг барча компонентлари билан тўлдирилган, ўз индивидуаллигини, маданий қадриятлар оламида ўзини ижодий ифода эта олиш қобилиятини эркин намоён эта оладиган инсонга хизмат қилади.

Олимлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларда ижтимоий-маданий тарбиялашда мультимедия воситаларининг ўрни юқори эканлигидан далолат беради, чунки талабаларни мультимедия воситаларидан фойдаланиб ижтимоий тарбияга таъсир этувчи омиллар шахснинг ижтимоий педагогик тарбиясини қандай ифодаланишини кўриб чиқамиз.

Мультимедия воситаларининг ижтимоий педагогик фаолиятга таъсир этувчи педагогик-психологик омиллари

Интеллектуал

Мотивацион

Эмоционал

Иродавий

Ўз-ўзини бошқариш

Предметли-амалий

Олий таълимда мультимедия воситаларининг ижтимоий педагогик фаолиятга таъсир этувчи педагогик-психологик омиллари

Чунончи, мультимедия воситаларининг ижтимоий-педагогик фаолиятга таъсир этувчи педагогик – психологик омилларига талабанинг ижтимоий фаоллаштириш жабхаларини намуна тариқасида изохлаш лозим:

интеллектуал ижтимоий фаоллаштириш жабхаларида, талабанинг ақл сифати, тафаккури, когнитив кўникмалари, фикрлаш мажмуи ҳамда тадбиқ этилган фан ва фан олди билими, кўникма, малака ва тузилмалар тизимини ташкил этади;

мотивацион ижтимоий-хатти ҳаракати фаолиятида, ўз мақсадини қўйиши ва уларга эришиш учун ўзида куч – ғайрат топа олиши талабанинг ҳаёти давомида

шаклланадиган эҳтиёж, мотив ва мақсадлар мажмуини қамраб олиши ҳамда талаба амалий фаолияти мотивлари ривожланганлиги;

эмоционал ҳиссий-ижтимоий ривожланиш соҳа таркибига эмоциялар, ҳис-туйғулар, ўзини-ўзи баҳолаш, эмоционал-когнитив билимлари, ўз эҳтиёжларини қондириш ёки қондирмаслик билан боғлиқ ва бевосита кечинмалар шакли, ижобий эмоциялар орқали ўз эҳтиёжларни қондиришда, амалий фаолият мақсадига муваффақиятли эришиши, талаба эҳтиёжлари ва мотивларига алоқадор борлиқ ҳодисалари аҳамиятини акс эттирувчи унинг барқарор эмоционал муносабатларининг ҳис-туйғулар жамаланмаси сифатида ифодалаш;

иродавий ижтимоий такомиллашувида, ўқув жараёнида, ижтимоий-маданий лойиҳаларда, танловларда талаба ўз-ўзини гуруҳ ва жамодошлари билан амалий фаолиятда ижтимоий – маданий тадбирларда фаол иштирок этишга интилиши, ўз шахсий манфаатлари соҳасига бевосита таалуқли бўлган жамоатчилик топшириқларини бажаришда ўз иродаси ва ташаббуси билан ўрнатқуч бўла олишида;

ўз-ўзини бошқариш соҳасида, талаб олий таълим ташкилотларида жамоат ташкилотлари (талабалар фан клублари, ёшлар иттифоқи йиғилишлари, ҳайрия тадбирлари) фаолиятида, волонтерлик ҳаракати билан ўз креатив-ижодий имкониятларини намоён этиши, ўз-ўзини намоён қилиб боришлари билан фарқланади;

предметли-амалий фаолият соҳасида, талаба олий таълим муассасасида ижтимоий-маданий тадбирларда иштирок этиши ва ўз-ўзини бошқариш ҳаракатлари орқали (волонтерлик), такомиллашиб, ижтимоий тарбиясига ва дунё қарашига таъсир этувчи педагогик-психологик омилларнинг ривожлантиради

маданийлашув соҳасида - тарбия субъектининг ўз халқи маданиятига кириб бориши, ижтимоийлашув эса индивиднинг жамиятга, унинг ижтимоий ва шахсий муносабатларига кириб бориш жараёнидир.

мультимедиа воситалари асосида ижтимоий-маданий қадриятларни ривожлантиришга қаратилган релаксацион-саломатликни тиклаш, маданий-маърифий ва маданий-ижодий эҳтиёжлар ва қизиқишларни қондириш фаолиятида ижтимоий аҳамиятли амаллар ҳаракатлар мажмуи сифатида тушунализ.

Мультимедиа воситалари асосида педагогик фаолиятнинг моҳиятини реал ҳаракатлар усулларида йўлларида, ўзаро фаолиятнинг баъзи турлари ва кўринишларида ифодалаш мумкин деб ифодалаймиз. Хориж олимларидан А.Мудрик ўз илмий қарашларида ўзаро амалий фаолиятнинг мураккаб структуравий ҳодиса сифатидаги мулоқотга бўлган эҳтиёжга асосланганлигини таъкидлайди.

Замонавий педагогик тадқиқотларда қуйидаги атамалар қўлланилади: “ижтимоий ўзаро фаолият”, “шахслараро ўзаро фаолият”, “педагогик ўзаро фаолият” аталамлари билан алоқадорликда ўрганиш аҳамияти жуда юқоридир. Шахслараро ўзаро фаолият кўпинча

“икки ёки ундан ортиқ инсонларнинг уларнинг хулқ-атвори, фаолияти, муносабатлари, ўзгаришини келтириб чиқарувчи хусусий ёки очик, вербал ёки новербал бўлмаган тасодифий ёки амалга ошириладиган шахсий алоқаси деб тушунилади.

1 Najmiddinova, Rakhimova Feruza, Yuldasheva Malohat Erkinovna, and Karimova Mukarram Khalimovna. "Pedagogical Aspects Of Improving The Socio-Pedagogical Activity Of Students In Multimedia Presentations." *Journal of Positive School Psychology* 6.11 (2022): 1584-1590.

2 Nargiza, Yunusalieva. "SOCIAL AND MORAL EDUCATION OF STUDENTS AND DEVELOPMENT OF VALUES." *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal* 10.1 (2022): 300-305.

3 Najmiddinova, Rakhimova Feruza, Yuldasheva Malohat Erkinovna, and Karimova Mukarram Khalimovna. "Pedagogical Aspects Of Improving The Socio-Pedagogical Activity Of Students In Multimedia Presentations." *Journal of Positive School Psychology* 6.11 (2022): 1584-1590.

4 Nargiza, Yunusalieva. "SOCIAL AND MORAL EDUCATION OF STUDENTS AND DEVELOPMENT OF VALUES." *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal* 10.1 (2022): 300-305.

5 Abduhafizovna, Melikuziyeva Mavluda, and Yigitaliev Mirzoxid. "Ways to increase the legal knowledge of primary school students." *Web of Scientist: International Scientific Research Journal* 3.02 (2022): 124-130.

6 Najmiddinova, Rahimova Feruza. "ADVANTAGES OF USING INTERACTIVE METHODS IN LESSONS." *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal* 10.12 (2022): 1370-1374.

7 Najmiddinova, Rahimova Feruza. "" GENERAL PEDAGOGY" SCIENCE PRIORITY DIRECTIONS OF DEVELOPMENT." *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal* 10.12 (2022): 1365-1369.

8 Najmiddinova, Rahimova Feruza. "ADVANTAGES OF USING INTERACTIVE METHODS IN LESSONS." *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal* 10.12 (2022): 1370-1374.